# АРМОН

*Воқеий ҳикоя*

Саратоннинг жазирама кунларида ишдан қайтишда кўпинча сўлим анҳор бўйидаги улкан чинорлар соясида бир зум бўлса-да хордиқ чиқаришга одатланганман. Бугун ҳам ана шу одатимни канда қилмай ўриндиққа жойлашдим...

«Ўтирсам ҳалақит бермайманми?» деган овоз хаёлимни бўлди. Рўпарамда бир қўлида ҳасса, иккинчи қўлида газета тутган, оқ оралаган соч-соқоли ўзига ярашган, мошранг дўппили нуроний отахон турарди. «Марҳамат» деб отахон билан саломлашдим. Отахон қўлидаги газетани очиб ўқишга тутинди. Мен эса атрофни кузатишда давом этдим. Биз ўтирган ўриндиқ рўпарасидаги асфальт йўлакдан ўрта ёшлардаги киши ва унинг ёнида бошида гулдор дўппи, эгнида одмигина кўйлак, қўлида китоб-дафтар тўла сумка тутган қизча ўтиб боришарди. Беихтиёр уларга тикилиб қолдим. Ўзимча ўйлайман: «Қишлоқдан қизини ўқишга олиб келган бўлса керак». Отахон ҳам улар томонга қараб турган экан. У ҳам хаёлимдан ўтган фикрни тасдиқлагандай мен томонга қараб: «Ҳа, қизини ўқишга олиб келибди, чамаси», деб қўйди. Отахон шундай деб негадир оғир уҳ тортди. Бу ҳолат мени сергаклантирди. Унга савол назари билан боқдим.

— Ҳа, ука, ҳар йили ёшларнинг ўқишга кириш мавсуми келганда оғир бир дард мени қийнайди, эски ярам янгиланади. Тўғрироғи ўқишга кириш билан боғлиқ, ўзим гувоҳи бўлган кўнгилсиз бир воқеа хаёлимда такрор-такрор жонланаверади...

Отахон гапни нимадан бошлашни билмай бироз тараддудланиб турди-да синиқ овоз билан ҳикоясини бошлади:

— Бу воқеага ўн беш йилча бўлиб қолди. Ўшанда мен тиббиёт илмгоҳида ўқитувчилик қилардим. Ўқишга навбатдаги қабул бошланганда менга бўлажак талабаларга кириш имтиҳонларига тайёрланиш бўйича консультациялар ўтказиш топширилди. Эсимда, институтнинг энг катта аудиториясига болалар сиғмай кетарди. Абитуриентлар консультация машғулотлари чоғида ҳар бир сўзимни диққат билан тинглашарди, энг муҳим жойларини дафтарларига шоша-пиша қайд қилишар, биронта ҳам сўзни эътиборсиз қолдирмасликка интилишарди. Консультацияларни одатда савол-жавоб тарзида ўтказардим. Бу усулда абитуриентларнинг берган саволларидан ҳам уларнинг билим доирасини илғаб олиш мумкин бўларди. Болалар орасида қишлоқдан келган Жавлонжон исмли бола ўзининг ақли-заковати, ҳулқи-одоби, камтарлиги, билими билан ҳаммадан ажралиб турарди. У машғулот билан кифояланиб қолмай, ҳатто танаффус чоғида ҳам мени турли-туман саволларга кўмиб ташларди. Жавлонжондаги илмга чанқоқлик менда унга нисбатан алоҳида меҳр уйғотганди.

Шундай кунларнинг бирида институтимиз ўқитувчиларидан — Хуршидбекнинг туғилган кунини нишонлаш учун унинг уйига йиғилдик. Хуршидбекнинг шинам ҳовлиси ўртасидаги ноз-неъматлар билан мўл-кўл ясатилган улкан стол атрофида менга танишлардан кўра нотанишлар кўп эди. Олдинига аҳамият бермаган эканман: Хуршидбек институтимизнинг ўша йилги қабул комиссиясининг масъул котиби экан. Зиёфат асносида Хуршидбек шаънига айтилаётган ҳамду-санолар, хушомадлар аслида худди шу «масъул котиб»лиги учун эканлигини аста-секин пайқай бошладим. Қалбакилик пардасига ўралган гап-сўзлардан толиқиб ушбу ясама «зиёфат»ни тезроқ тарк этиш тараддудига тушдим. Бир илож қилиб Хуршидбекдан, «меҳмонлар»дан жавоб олдим. Хуршидбек кўчада мен билан хайрлашаётиб: «Домлажон, бизга хизмат бўлса — тортинманг, ахир институтимизнинг энг кўп ишлаган, ҳурматли домлаларидансиз. Биттаяримта илтимос бўлса рўйхатга тиркаб қўяман», — дея маънодор тиржайди.

— Раҳмат, Хуршидбек, ҳоли-қудрат ректоратнинг топшириғини бажариб, болаларни имтиҳонларга тайёрлаяпмиз. Улар орасида талабаликка муносиблари кўп. Ўшаларни адашмай, ҳолисона танлаб олсанглар бўлгани.

Хуршидбек мени йўл четига бошлаб тўхтатди-да, атрофга олазарак қараб овозини пасайтирди:

— Оббо, домлажон-ей, ҳеч соддалигингиз қолмади-қолмади-да. Наҳотки атрофда нималар бўлаётганини пайқамаётган бўлсангиз? Институтимизга талабаликка қабул қилинадиганлар рўйхатининг деярли тўқсон фоизи аллақачон аниқ. Уч-тўртта жой қолган холос. Сизни устозим сифатида ўзимга яқин тутиб дилимни очгандим. Агар очиғини айтсам, сизнинг ўтказаётган машғулотларингиз шунчаки йўлига. Консультация бераётганларингизнинг орасида институтга кирадиганлар рўйхатидагиларнинг бирортаси ҳам йўқ...

Ширакайф Хуршидбекнинг сўнгги сўзларидан даҳшатга тушдим. Шу пайтдаги важоҳатим қўрқинчли туюлди шекилли, Хуршидбек хайр-хўшни қисқа қилди-ю, шоша-пиша кириб кетди...

Уйга қандай қилиб етиб келганимни эслай олмайман. Тун бўйи мижжа қоқмай тўлғаниб чиқдим: «Ё тавба, бу қандай разолат? Наҳотки Хуршидбекнинг айтганлари рост бўлса? Консультацияда қатнашаётган болаларнинг тақдири нима бўлади?»

Эртасига институтда Хуршидбек билан кўришганимизда у: «Домлажон, кечаги гапларнинг ҳаммаси шунчаки ҳазил эди. Сизни синамоқчийдим. Қойил, ҳали-ҳам ўша, букилмас, ҳақиқатгўй устозим экансиз. Сиз билан фахрланаман», деб илжайиб қўйди.

Эҳ, ука, ҳақиқатан ҳам соддаллигимча қолган эканман. Ўшанда Хуршидбекнинг сўзларини ҳазил деб лаққа ишонганим, ўша «ҳазил»нинг тагига етиш учун қилган ҳаракатларим менга жуда қимматга тушди. Институт раҳбарияти, турли-туман юқори идоралар томонидан менга нисбатан сўнгсиз таъқиблар бошланди, қилдан қийиқ ахтаришди. Бошқалар билан баравар баҳо тўплагани ҳолда институтга қабул қилинмаган ўша иқтидорли Жавлонжонни қўллаб-қувватлашни сўраб ректор қабулига илтимос билан кирганим устига устак бўлди. Жавлонжондан пора олганликда туҳмат қилишиб, масалани партбюрога қўйишди... Ҳа у ёғини айтишга ожизман, ука. Ўша кунлари бошимга тушган қора кунларни эсласам ҳали ҳам юрагимда санчиқ пайдо бўлади. Хуллас, битта «инфаркт»ни ўтказганимдан кейин, оиламдагиларнинг, дўст-биродарларнинг маслаҳати билан «ўз аризамга мувофиқ» ишдан бўшадиму, қабоҳат сиртмоғидан аранг қутулдим...

— Кечирасиз, отахон, Жавлонжоннинг тақдири нима бўлди?

— Минг афсуски, ҳали айтганимдек, баъзи ундан паст баҳо тўплаганлар ўтгани ҳолда Жавлонжонни, менинг тарафимни олишда айблашиб, ўқишга қабул қилишмади. «Балки орага тушмаганимда Жавлонжон ўқишга кириб кетармиди, у ҳам менинг касофатимга қолди шекилли», деган армон ҳали-ҳануз мени қийнайди. Жавлонжонни охирги марта инфаркт бўлиб, шифохонада ётганимда кўргандим. Ўшанда у мени ҳам кўргани, ҳам мен билан хайрлашгани келган экан. Шу-шу уни қайта кўрмадим. Ҳа, ука, ўтган вақт ичида уни ўз ўғлимдай кўриб қолганимни ўшанда сездим. Анчагача носқовоғини йўқотган носкашдай гангиб юрдим... Яратганга шукурки, ўша мудҳиш кунлар орқада қолди. Мустақиллигимиз, раҳбариятимизнинг одилона саъй-ҳаракатлари туфайли доруломон кунларга эришдик. Ҳақ жойига қарор топди. Иқтидорли ёшларнинг фақат республикамиздагина эмас, балки хорижда ҳам илм олишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда. Бироқ, ҳар йили ўқишга қабул бошланган кезларда ўша машъум кунларни, «пора бергансан» деб ноҳақ айбланган, мен туфайли ўқишга киролмай қолган Жавлонжонни эслайман. Жавлонжон учраб қолармикин, деб ҳиёбонларни, кўчаларни, боғларни айланаман. Қани энди уни бир кўрсам, «мени кечир, Жавлонжон», деб бағримга боссам дейман...

Ҳаёт аталмиш улкан китобнинг ҳозиргина нотаниш отахон варақлаган қора, жирканч саҳифалари ўрнини бугунги покиза ҳаётимизнинг нурли саҳифалари эгаллаётганидан кўнглим равшан тортиб, мен ҳам жойимдан қўзғалдим...

**Юсуф МУҚИМБОЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

*Ёзувчиларнинг янги асарлари*

**ИСФАНДИЁР**

# ИНТИҚОМ

*(Романдан парчалар)*

— Бизникилардан бирортасини оларсан. Ўзинг ҳайдасанг.. асаканг кетиб қолмас.

Белов машинага ўтириб эшикни ёпди:

— Оласан-а, оласан! — Механик заҳарханда кулиб қўяркан, гараждан сузиб чиқаётган «Лада» ортидан қичқирди. — Командирингга айт, одам юборсин, тушундингми?

Бироқ Белов унга қайрилиб ҳам қарамади.

Тусмол қилгандай, Жек Рубини бассейндан топди. Эрталабки машқлардан қонини қизитиб олган мушакдор тренер сувга сакраш олдидан душ тагида ҳузур қиларди. Беловни кўрган заҳоти тренер жиддийлашди.

— Рухсатнома, Евгений Рубенович, — изоҳ берди Белов ва кабинага яқин келса сув сачрашини ўйлаб, варақчани узоқдан кўрсата қолди. — Бир суткага.

Тренернинг қоп-қора, чўғдек ёниб турган кўзлари жиддий торди, қошлари уюлди, афтидан у нимадир сўрамоқчи эди, аммо Ҳабибов рухсатидан сўнг савол бериб ўтириш мумкин эмас эди.

— Яхши, — деди ниҳоят тренер бўлиб-бўлиб. — Вақтни белгилаб ол. Сенда йигирма тўрт соат, қўшув, йиғиштиришинг учун яна ярим соат вақт бор... Ҳозир неча?

Белов Ҳабибовнинг рухсатномасини тренернинг ўриндиққа тахлаб қўйилган спорт костюми устига қўйди-да, қўлини узатиб Евгений Рубеновчига соатини кўрсатди.

— Тушундим. Боравер.

Белов чўмилиш хонасидан ўқдай отилиб чиқди...

Бир ярим соатдан сўнг «Лада» шаҳарда эди. У марказий кўчаларни босиб ўтгач, чорраҳалар оралиғида бир муддат тентиди-да, бир-бирига туташиб кетган пахса деворлар ёқалаб бориб, эски, тирқиш-ёриқларга мўл дарвоза ёнида тўхтади.

Светлана ҳовлида кутиб турарди. Тугмалари қадалиб-қадалмаган ғижим халатда, сочлари ҳурпайган аёл — афтидан анчадан буён кутарди — асабий, эзилган ҳолатда эди. Унинг чарос кўзли кўҳликкина чеҳрасидан ҳозир бамисоли заҳар томиб турарди.

— Юравергин эди саланглаб! — дея аламини олишга уринди аёл Белов ҳовлига кириб, дарвозани ёпаётган маҳал.

— Вишиллама! — дея жеркиб берди уни Белов. — Хўжайин билан бирга эканлигимни билардинг-ку! — Портлайман деб турган Светланани салгина ҳовуридан тушириш учун дўқ ҳам уриб қўйди: — Сен менга қўнғироқ қилиш одатингни бас қил! У ерда ҳамма бир-бирини сотишидан хабаринг бор-ку.

— Бир мартагина қилдим-ку. Сен жим бўлиб кетдинг, шунга... — дея ўзини оқлашга тушди аёл, бироқ Белов эшитиб ўтирмаёқ елкаси билан туртиб уни четроққа сурди-да, ичкарига кирди.

Белов мўъжазгина хона ўртасидаги стол устида очиқ ҳолида турган оқ жинси костюмни кўриб, Светланага саволомуз қаради. У шоша-пиша тушунтира кетди:

— Уй бекасини қишлоққа, қариндошлари ёнига юбордим, шунинг учун... — дея аёл далда бераётгандек кулимсиради.

Белов ишбилармонларча кафтларини бир-бирига ишқалади:

— Анавиндан бер.

— Эҳтимол, ароқ яхшидир? Ё эмлай қоласанми? — ишончсизлик билан сўради Светлана ва ўзини мажбурлаб жилмайди: — Кайфиям узоққа чўзилади, асабларниям мустаҳкамлайди.

— Йўқ, таваккал қилиб бўлмайди, — бир муддат ўйланиб тургач, рад этди Белов. — Кайфим ошиб қолса, ишни кўнгилдагидек бажара олмайман. Савдолашиб қоламан... Бер!

Белов шошилмасдан кийинаркан, Светлана ошхонадан бир пиёла олиб қайтди. Пиёлани аёлнинг қўлидан эҳтиёткорлик билан олган Белов ичидаги суюқликни майда ҳўплаб ичкаркан, сўнгги маслаҳатларни ҳам эшитарди:

— Раҳимовдан бошла. Агар уни эпласанг, қолганлари писта пўчоғидай гап... Мана бу ўшанга, — Светлана фотоқоғозлар сақланадиган пакет узатди. — Раҳимовдан кейин ошиғич тарзда бошқаларига. Мен кимларга эканлигини белгилаб қўйганман, — аёл бир даста оддий почта конвертларига ишора қилди.

Белов пиёлани столга қўйгач, конвертларни олиб бир-бир қараб чиқди-да, уларни курткасининг кўкрак чўнтагига яшириб қўйди.

— Мана булар эса, агар керак бўлиб қолса, вахтадаги қизил шапка билан котибга, — паспорт узатаётган Света тушунтиришда давом этди. — Мен сени Тошоблфотонинг сайёр фотографи деб ёздириб қўйдим. Сен энг илғор одамларни... хуллас, бирон нима учун суратга олишга келасан-да, — шундай дея аёл аввалги пайтлардагидек эрка, жарангдор товушда кулиб юборди. — Мен сен Ўзбекистон ҳақидаги эсталик китобга сурат йиғаяпсан деб айтдим.

— Тушунарли, — қандайдир Буранов номига ёзилган, ўзининг кўзойнак таққан ҳолдаги, салобатли кўринишидаги фотосурати қўйилган паспортни кўраётган Белов ё ҳаяжондан, ёинки кулгидан юзи қизариб, чиройли бўлиб кетган Светланага кўз қирини ташларкан, пичинг қилди. — Ҳамиша шундай бўлсанг эди, бошда кўтариб юришга арзирдинг.

Шу заҳоти аёлнинг афти буришиб, бурун катаклари керилди, заҳарли табассумдан лаблари қийшайиб кетди.

— Шундай ҳаётни таъминлаб қўй — бўламан! — Деярли ошкора нафрат билан сўзлаган аёл асабий тарзда бошини силкиб, узун сарғиш сочларини ёйиб юборди-да, фототасма учун кассетани узатди. — Ҳар эҳтимолга қарши олиб қўй. Бу ерда ҳаммаси. Балки, бирортаси дарров илинар, қурумсоқлик қилиб ўтирмас.

— Эҳтимол, — маъқуллади Белов кассетани чўнтагига жойларкан. Сўнг жилмайиб қўйишга уринди. — Хавотир олма, болакай, ўзингни дадил тут. Тез орада олтинларда чўмиламиз. — Белов аёл юзидан чимчилаб қўяркан, унинг кўзлари ҳам қувонч билан, ҳам очкўзларча чақнаб кетганини пайқади-ю, гап оҳангини ўзгартирди. — Дадиллик учун тутатиб олай, анавини тўлдир.

Светлана алмисоқдан қолган қора жавонга яқинлашиб, яшигини тортди. Ундан бир дона «Беломорканал» папиросини олиб ўгирилди. Белов аллақачон паспортдаги суратига ўхшаб кўзойнак тақиб олганди.

— Балки парик керакдир? — журъатсиз оҳангда сўради аёл. — Суратда сочинг узунроқ.

Белов беписанд қўл силтади:

— Э, бўлаверади.

У папиросни олди-да, зажилгалкасини ёқиб тутатди. Қанча чуқур тортаркан, хумор кўзлари юмилиб кетди... Белов ўткир, хушбўй ҳид таратиб турган папиросни охиригача лаззатланиб чекди-да, жимитдай қолдиғини полга ирғитиб, пошнасида эзиб ташлади.

— Хўп, дуо қилиб тур. Кетдим, — катта-катта қадам ташлаётган Белов эшик тутқичига қўл узатган чоғи тўхтаб, ўгирилмасданоқ деди: — Ҳар эҳтимолга қарши Юлькани бирон ёққа обориб ташла. Бир-икки кун уйда бўлмай турсин.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).



# БУРГУТ — ҚУШЛАР САРДОРИ

БУРГУТНИ қушлар сардори, деб бежиз айтишмайди. Унинг осмону фалакдаги парвозига ҳеч ким бефарқ қарамайди. Қанча салобат, мағрурлик мужасам бу парвозда. Ўлжасини кўрганда қанотларини йиғиб, ўқдек унга ҳамла қилишини айтмайсизми? Ҳа, у табиатимиз кўрки ҳисобланади.

Лекин, афсуски у ҳам қатор қушлар тури каби жуда камайиб кетди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча паррандалар, шу жумладан бургутларни асраб-авайлашга эътибор кучайди. Ушбу лавҳалар ҳам шундан далолат бериб турипти.

**Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган суратлар.**

# «САВДО»НИНГ ҒАВҒОСИ ТУШДИ БОШИМА...

Мактабдош дўстим Муродни тасодифан суд биносида учратиб қолдим. Гарчи анча пайт кўришмаган бўлсак ҳам, бу жойдаги учрашув бир-биримизга қучоқ очиб пешвоз чиқишга монелик қиларди. Оддийгина саломлашдик.

Разм солдим. Муроднинг сочларига анчагина оқ оралабди. Руҳияти сўлғин. Илгариги бир гапириб ўн куладиган Муродга сира ўхшамайди. Бошига бирон ташвиш ё мусибат тушдимикан? Балки ёрдамим тегиб қолар, деган ниятда ундан ҳол-аҳвол сўрадим. У бироз хижолатли оҳангда сўз бошлади: «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади дердилар. Мен икки марта йўқотдим, оғайни. Неча кундирки, юрагим ўт каби тутаб ётибди. Нима қилай, менга маслаҳат бер...»

...Моҳира — Муроднинг иккинчи хотини. Ота-онасининг қистови билан уйланган Мурод аввалги хотини Мавлуда билан узоқ яшолмади. Бир йил нари-берисида ажрашишди. Моҳира билан эса севишиб турмуш қилганди. Дурдона исмли қизчалари ҳам бор. Аммо...

Улар яқинда қўшни тумандан янги уй сотиб олиб, кўчиб ўтишганди. Ҳали оналик таътилида бўлгани учун «Уйда бекор ўтираманми?» деб Моҳира бозор қилишга тушиб кетди. Эри бунга қанчалик қаршилик кўрсатмасин, фойдаси бўлмади. «Дадаси, бозор яқин, ул-бул олиб сотиб сизга қарашиб турсам зарарми?» деявериб, охири унинг «тили-жағини» тиндирди.

Аста-секин мол олиб келиш баҳонасида пойтахтга танда қўйган Моҳира бора-бора бир неча кунлаб қолиб кетадиган одат чиқарди. Ҳа, деса жавоб ҳам тайёр: «Кўп пулнинг меҳнати ҳам кўп бўлади!» У топиб келган пулларини Муроднинг қўлига тутқазарди-ю, яна кетарди. Кейинги вақтда унда ғалати ўзгариш сезган эр хотинини койиди: «Бўлди, етар, рўзғорингга қара. Мен ҳам ишли одамман. Топганимга барака берса, очдан ўлмаймиз».

— Ҳо! Тайёрини еб ётиб, тўйдингизми энди? Сиз топиб келадиган тўрт-беш минг маош билан кун кўриб бўладими ҳозир? Бошқа эркаклар бир кунда топади бу пулни. Сиз бўлсангиз кунингиз ўтганига хурсандсиз. Қўлингиздан келса, сиз ҳам бозорга чиқинг. Майли, кейин мен уйда ўтирай, бола боқи-и-иб!»

Мурод ана ўшанда хотинини қаттиқроқ тергамаганига, нима қилиб бўлса ҳам уни бу йўлдан қайтармаганига қаттиқ афсусланди. Лекин, кейинги пушмон — ўзингга душман, деганларидек...

Моҳира ўша куни тонг отар-отмас ҳеч гап бўлмагандек яна бозорга жўнади. Мурод эса қизчасини кийинтириб, боғчага, сўнг ишхонасига жўнади. Шундай кунларнинг бирида яқин қўшниларидан бири уни йўлда тўхтатиб, Моҳира ҳақида ғалати бир гап айтди. «Изидан боринг, агар шу гаплар ҳақиқат бўлса, хотинингизни бу йўлдан қайтаринг, ука. Акс ҳолда маҳалла шаънига ҳам, сизнинг шаънингизга ҳам яхши гап бўлмайди».

*Сиз нима дейсиз?*

Мурод ўзини йўқотиб қўяёзди. Бу кунлар — ҳаётининг энг оғир, энг таҳликали дамлари эди. Икки кун бурун «Фалон жойдан мол келиши керак. Бозор-ўчарни тиндириб, уч-тўрт кунда қайтиб келаман, дадаси» деб кетган хотинини кутиб ўтиришга энди Муродда ҳол қолмади. Қизчасини қариндошлариникига қўйиб, пойтахтга жўнади. Отчопар бозори катта, игна тугул бошингдаги дўппинг ерга тушса тополмайсан бу ерда, Моҳирани кимдан сўрасин, қаердан топсин? Кечгача бозор айланиб, хотинини тополмади. Шунда унинг «Кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим. Тавба, тунги бозордаям шунақа одам кўп бўладики...» дегани ёдига тушиб қолди. Кечқурунга қолишга аҳд қилди.

...Тун бўлса ҳам ранго-ранг чироқлардан ҳамма ёқ кундузгидек чароғон. Бозор авжида. Бу ерда асосан чакана савдо билан шуғулланадиганлар кўпроқ бўлишаркан. Мурод юриб-юриб, қорни очди. Ошхонада овқатланмоқчи бўлди. Аксига олиб, ошхонада хўрандалар кўплигидан бўш жойнинг ўзи йўқ эди. У жой бўшашини кутиб бироз туриб қолди. Атрофни кузата бошлади. Войвў... номи бозор-у пўрим кийинган галстукли эркаклар, чиройли аёллар худди ресторанда ўтиргандек овқатланишади-я бу ерда. Ана, столида ҳамма нарса муҳайё бўлган басавлат икки йигит хо-холаб кулганча қадаҳ уриштиришаяпти. Ёнларида икки хушрўй қиз... Ие... Муроднинг юраги гупиллаб уриб кетди. Ҳозиргина ҳайрат билан қараб тургани — басавлат йигитлар орасида ўтирган икки аёлнинг бири ўзининг Моҳираси эди. Енгсиз кўйлак кийиб, калта сочларини чиройли турмаклаб олганидан танимабди... Мурод жазаваси тутиб, даврага кириб боргиси, хотинининг гирбонидан бўғиб, калтаклагиси келди. Лекин анави йигитлар бунга йўл қўймаслигини, борингки, йўл қўйганида ҳам энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслигини Мурод тушунди.

«Мен бозор қилаётган ҳамма аёллар шунақа деб айтолмайман, дўстим, — дейди Мурод хўрсиниб. Лекин барибир... Айб ўзимда. Хотинимни шунчалар яхши кўрардимки, ҳар қандай шароитда ҳам у менга хиёнат қилмайди деб ўйлардим. Топган пулларини бозорда жон койитиб, меҳнат қилиб топиб келаяпти деб ишондим. Аслида эса...»

Моҳира ҳозирги кунда қилган ишларидан пушаймон. Бунинг учун Муроддан узр сўраяпти. Қадрдон касбига, оиласига қайтмоқчи. Мурод эса қизи Дурдонани ота тарбиясида қолдиришларини сўраб, хотинидан ажрашиш учун судга ариза берган..

Ана шу мураккаб дақиқаларда мен унга дўст сифатида ўз мулоҳазаларимни айтдим. Бир кишининг фикри — яхши. Лекин кўпчиликнинг фикри ундан ҳам яхши. Азиз муштарий, Муродга сиз қандай маслаҳат берган бўлардингиз? Иккинчи оиласи ҳам барбод бўлмаслиги учун у Моҳирани кечирсинми ёки...?

**Дониёр КАМОЛ,**
**Оққўрғон тумани.**

*Шохмот*

## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВНИНГ РАҚИБИ – КРИСТИАН БАУЭР

Шу ойнинг сўнгги кунларида Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида ўтказиладиган жаҳон биринчилигининг дастлабки босқичида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов франциялик Кристиан Бауэр билан ўйнайдиган бўлди. Рустам бу баҳсда муваффақият қозонса, иккинчи босқичда унинг рақиби венгриялик ёш гроссмейстер Питер Леко бўлади. Ҳамюртимизга бу мусобақаларда омад тилаймиз.

*Футбол*

## ФАХРИЙЛАР ТУРНИРИ

«ТОШГРЕС» ўйингоҳида олти жамоа иштирокида футбол фахрийлари биринчилиги ўтказилди. Бу мусобақани Ўзбекистон футбол федерацияси қошидаги Тошкент шаҳар футбол фахрийлари Кенгаши уюштирди.

Мусобақада 38 ва ундан катта ёшдаги футбол фахрийлари иштирок этдилар. Юнусобод туманидаги «Асбобсозлик» заводи футбол фахрийлари мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганликларини намойиш этдилар. Улар ҳал қилувчи учрашувда Яккасарой туманидаги «Тўқимачи» жамоасини 1:0 ҳисобида енгиб биринчи ўринни эгалладилар. «Тўқимачи» жамоаси эса иккинчи ўринни қўлга киритди.

23-28 июль кунлари Чирчиқ шаҳрида футбол фахрийларининг республика биринчилиги ўтказилади. Бу икки пешқадам жамоа ана шу мусобақага йўлланмани қўлга киритдилар.

**Талъат ЮСУПОВ.**

*Об-ҳаво*

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 21-26 июль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 5-10 метргача етади. Ҳаво ҳарорати шу даврнинг бошида кечалари 17-22, кундуз кунлари 32-37 даража атрофида, кейинроқ эса кечалари 19-24, кундуз кунлари 34-39 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0535. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.15. 1 2 3 4 5 6